



Маълумки, ўзбек халқнинг келиб чиқиш масаласи ханузгача илмий жихатдан тўла хал қилинмаган бир муаммо бўлиб турибдики. Илм фанда бу масалага хар хил ёндошилар ва карашлар мавжуд Н.А. Аристов, А.Ю. Якубовский, П.П. Иванов ҳамда чет эллик олимлардан М.А. Чапличка ва Х. Хуккемларнинг фикрича кўра, «ўзбек» этноними Олтин Ўрда хони Ўзбекистоннинг номи билан боглик. Бошқача айтганда ўзбек номи ўша хоннинг исмидан олинган. В.В. Григорьев ва А.А. Семеновлар эса Дашти Кипчокнинг шаркий кисми яъни Ок Ўрдада ўша замонларда истикомат килган турк мўгул кавмларини ўзбеклар деб атайдилар. Таникли тарихшунос омиллар. Ахмадали Аскарлов ва Бурибой Ахмедовларнинг «Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи» («Дастлабки мулохазалар») маколасида таъкидланганидек «Ўзбеклар яхлит халк сифатида X асрга келиб шаклланади. Худудий, иктисодий маданий, тил ва тип бирлигига эга бўлди. Унинг этник жихатдан такомиллаша борлиги ва этник тарихи шундан кейин ҳам то уларни миллат даражасига кўтарилгунга қадар давом этди».

Турон номи билан аталган мамлакатимиз худудларида ўтрок ва чорвадор хаёт кечирган қадимий авлодлар Сўгд, Хоразм, Бактр, Паркана ва Тохаристон номлари остидаги вохаларда яшаганлар. Улар шаркий эроний тилларга мансуб сугдий, хоразмий, глак ва тохар тилларида мулоқатда бўлганлар. Бу халқлар жанубда форсийзабон Ажам халқи, шимолда эса туркий тилда сўзлашувчи ўтрок ва чорвадор халқлар ва этник гурухларнинг доимий таъсири остида бўлганлар. Миллодан аввалги I минг йилликнинг ўрталарида ва айниқса миллоднинг V-VIII асрларида миллодаги туркий кабилаларнинг (бу халқлар у даврларда хунарлар деган умумий ном билан аталганлар) Марказий Осиёга кириб келишлари кучаяди. Улар махаллий халқлар билан аралаш куралаш яшаш жараёнини ўз бошларидан кечирадилар, бу халқларга тил жихатдан кабилалар ўлканинг шаркий Эрон ва турк тилида сўзлашувчи аҳолиси таркибини этник жихатдан янада бойитади, туркий этник катламнинг устунлигини бир қадар таъминлайди. Ана шу тарика қорахонийлар хукмронлиги даврида туркий ўзбек халқи тўла шаклланади, ижтимоий иктисодий ва маданий жихатдан ривожланади.

Тарихчи олим Бурибой Ахмедов қайд қилганидек: «эски ўзбек тилига асос бўлиши қорлик-чигил лахжаси ривож топди ва ёзма адабиёт даражасига кўтарилди. Қорлик чигил лахжаси айтиш мумкинки, шу ўзбек халқининг умумий тили бўлиб қолди». Бу ҳолни Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билиг», Махмуд Кошғарийнинг «Девону луготий турк» Ахмад Юғнакийнинг «Хибат ул хақойик», Ахмад Яссавийнинг «Хикматнома» асарлари тимсолида очик - ойдин кўрамыз.

XVII асрда Мовароуннахр ва Хоразмга ўлка тараккиётига таъсир ўтказиб, уларнинг тилини туркийлаштириб борадилар.

VII - VIII асрларда Марказий Осиёдаги туркий аҳолининг асосий кисми Чу, Еттисув, Шош,

Фаргона водийси, Зарафшон ва Кашкадарё вохаларида яшаганлар. Ёзма манбаларда бу ҳудудлар VII асрда Туркистон деб номланган. Илгариги мавзуларда қайд этилганидек ўтроқ турмуш шароитини кечирган маҳаллий халқлар ҳам асосий касби чорвачилик бўлган туркий халқларга ўз таъсирларини ўтказганлар. Аммо тил нуктаи назаридан туркий халқларнинг таъсири шу қадар кучли бўлганки араблар босқини арафасида Мовароуннаҳр ва Хоразмнинг туб ерли аҳолиси туркийлашиб бўлган эди.

X асрнинг охири ва XI асрнинг бошларида Марказий Осиёнинг катта ҳудудларида Қорахонийлар давлати вужудга келади. Қорахонийлар билан бирга ўлкага кўчиб келган бир талай қабилалар: турғашлар, тухсилар, қорлиқлар, чигиллар, яғмолар, ўғизлар, аргинлар ва бошқа туркийзабон жуда катта салбий таъсир қўйди. Бирок Чингизхон қўшини таркибида мугуллар билан бир қаторда жуда кўплаб турклар ва турклашган мугуллар ҳам бор эди. Жалонлар, қурловутлар, буркутлар, мангитлар, қўнғиротлар, баҳринлар ана шулар жумласидандир. Бу қабилалар мак шубҳасиз ўзбек халқнинг этник таркибини тагин ҳам бойитадилар албатта. Аммо то XV асрга қадар улар ўзбек номи атамаси билан юритилмаган, балки Турк деб ёки қабилалар номи билан аталганлар. XV асрдан эътиборан Дашти Кипчоқда яшаб келаётган ўзбек номи Мовароуннаҳр ва Хоразм этник дунёсига кириб келди ва ном кейинчалик бутун бир миллатнинг номи бўлиб қолди. Айтмоқчимизки, Дашти Кипчоқда яшаб келган қучманчи қорвадор туркий ўзбек қабилаларнинг номи Мовароуннаҳр ва Хоразмда қадим замонлардан бери яшаб истикомат қилиб келаётган сартлар ва барча туркий халқларга нисбатан қўлланадиган бўлди. «Ўзбек» атамаси кейинчалик маҳаллий халқлар ўртасида истеъмолда кенг тарқалган «сарт» атамасини ҳам муомаладан суриб чиқаради.

«Сарт» сўзининг маъноси турли даврда мазмунан бойиб борган. Масалан «Сарт» деганда дастлаб савдо аҳли тушинилган, сўнг хунарманд ва дехқонлар ҳам сарт деб аталган. Сорт умуман ерли, ўтроқ аҳоли бўлиб, туркийлашган сугдийлар хоразмийлар эди. Араб манбаларида «сарт» дейилганда Мовароуннаҳрдаги ҳамма мусулмонлар кўзда тутилган. Мугуллар Хоразмшоҳнинг барча фуқароларини «сартлар» деб атаганлар. Навоий замонидан барча тожикларни «сарт» деб аташ расм бўлган. Хулоса шуки, «сарт» сўзи дастлаб аҳолининг этник номи бўлмаган. Бу ном аҳолининг касб қорига қараб фарқловчи ибора бўлганлиги учун элат номини аниқлатилмаган. Бир қатор муҳим тарихий манбаларни (Гардизий, Рашидуддин, Хамдуллоҳ Қазвиний, «Искандар аноними», Хондамир, «Товорихэ гузиде нусратнома», «Меҳмон номаи Бухоро», «Тарихи Абдулхайрхоний» каби асарлар) чуқур ўрганиш шуни қўрсатдики, «ўзбек» этномини хусусида билдирган сунгги фикр ҳақиқатга бир қадар яқин. «Ўзбек» этноними XIX асрнинг 60-йилларида пайдо бўлган. «Ўзбеклар» деганда XIV аср бошида Олтин Ўрдадан ажралиб чиққан Дашти Кипчоқнинг шарқий қисмида, яъни ҳозирги Қозоғистон ва ГАРБИЙ СИБИРДА Кўчиб юрган турк мугул қавмлари назарда тутилган. Лекин шундан қелиб чиқиб ўзбеклар халқ сифатида XIV аср ўрталаридан маълум деган хулоса чиқариш асло мумкин эмас. Ўзбеклар, қозоқлар, қорақалпоқлар ва бошқа туркийзабон халқларнинг аждодлари қадимдан ҳозирда истикомат қилиб келаётган ҳудудларда қўн кечирганлар аммо ўша замонларда улар ўзбеклар, қозоқлар, қорақалпоқлар деб аталмаганлар. Улар умуман турк деб ёки узлари мансуб бўлган қабилаларнинг (буркут, найман, дўрмон, қўнғирот, мангит ва ҳоказо) номи билан аталиб келганлар. Бу хусусда «Тарихи арбаъулус»да ўта муҳим маълумотлар келтирилганки, уларнинг илм-фан хусусан ўзбек халқининг этник тарихи ва қелиб чиқишини ўрганиш учун аҳамияти бениҳоя каттадир. Асарда мана буларни ўқиймиз: «... Тухтойхоннинг давлати поёнига

етгандан кейин Хазрат Султон Мухаммад Ўзбекхон ... тахтга ўтирди. Ўзбек улусини уйга нисбат берадилар. Хижрий 712 йилда (мелодий 1312-13 йилда) салтанат тахтидан жой олди. Айтишларича... тахтга утиргандан саккиз йил ўтгач машойихлар ва мусулмонлар шайхи, авлиёлар кутби хазрат Занги Отанинг, - Аллох унинг кабрини мунаввар килсин, - ишорати билан жаноби сайидзодалар, Аллохнинг иродаси билан йўлдан адашувчиларни тўғри йўлга солувчи, муридларнинг пиру муришди, толибларнинг йўлловчиси хазрат Сайид Ота, - Аллох унинг сирини мукаддас кисмин, яъни Занги Отанинг халфаси оркали, - хар иккаларига ҳам Аллохнинг рахмати ёғилсин... хижрий 720 йили (мекодий 1320 й) ислом динини қабул қилиги шарафига муяссар бўлдилар» Бу қиска баёноتنинг тафсилоти «Макомати хазрат Сайид Ота» китобида ёзилган ва зикр этилган.

Султон Мухаммад Ўзбекхон ўзининг эл улуси билан илохий саодат ва фазилатга етишгач, хазрати Сайид Отанинг гайб ишорати ва Аллохнинг инояти билан уларнинг барчасини Мовароуннахр диёри сари олиб келди. Хазрати Сайид Отага, унга Аллохнинг рахмати ва ризолиги бўлсин, кулок солишдан буйин товлаганлар, бу саодатдан бебахра холда у ерда (Дашти Кипчокда) колдилар ва «калмок» деган номга мансуб бўлдиларки бунинг маъноси колган демакдир.

Хозиргача Сайид Ота - унга Аллохнинг рахмати ва ризолиги бўлсин, - ҳамда Султон Мухаммад Ўзбекхон билан ҳамрахликда Мовароуннахрга келган кишилардан: «Бу келган ким?» - деб сурардилар. Уларнинг сардори ва подшохи Ўзбекхон бўлгани учун уларни «ўзбек» деб атадилар. Шу сабабдан ўша замондан бошлаб Мовароуннахрга келган кишилар «ўзбек» деб атала бошланди. Дашти Кипчокда қолиб кетган кишилар эса «камок» бўлдилар.

Туркистон диёрининг ерига ётганда давр ўтиши билан бу сарзаминда яшаган турк кишилар аслида улар билан яқинликка эга бўлганликлари сабабли ўзбек улусига қўшилиб кетдилар, Ўзбекхон билан бирга келганлар Сайид Отанинг муридлари эди. Султон Мухаммад Ўзбекхоннинг ислоидан аввалги подшолигининг муддати саккиз йил, исломдан кейингиси эса ўттиз йил эди. Ўзбек халқнинг халқ сифатида шаклланишига назар ташлар эканмиз, таникли венгер олими Херман Вамберининг «Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи» номли китобидан талайгина маълумот олиш мумкинлигини кўрамиз. У китобнинг «Ўзбеклар ва Шайбоний Мухаммадхон» номли қисмида шундай дейди. «Турк халқининг қадимдан қолган бир одати бор: агар ҳукмдорлардан биттаси мамлакатни яхши идора қилса ёхуд мамлакатга янги бир усул ва тартиб қиритиб, ўзига хос хизмат кўрсатса унинг номини мангу қолдиришга ҳаракат қилади. Шу тариқа у бир тарафдан ўзининг ҳукмдорини қавм бошлиғи ўрнига қояди-да, бу билан баробар ва умумжаҳон тарихига қиришини гўзал бир суратда ифода қилади. Масалан биз бу ҳаяни салжукийларнинг қатта қувват ва шиддат билан қарбий Осиёга қириб қорганида ва кейинги қадимги Шарқ (Византия) императорлиғи ўрнида ўзлари ҳукумат таъсис этган туркларда кўрамиз. Улар ўзларини биринчи ислохотчи, қонунчи бўлган подшоҳлари Усмон номига нисбат бериб усмонли деб атамоқдалар Худди шу ҳол Кўк Ўрданинг шарқида Волга билан Орол денгизи орасида яшовчи турк - мўғул қабилаларида ҳам мавжуд; улар Жўш сулоласидан тўққизинчи ҳукмдор бўлган Ўзбекхон исмига нисбат бериб ўзларига бир сиёсий қўшма ном ўзбек номи қабул қилганлар. Ўзбекнинг қарфдан маъноси «шахсан» «ўзига мустақил хўжайин», эркин демакдир. Шаён диққатга сазоворки бу сўз муҳим маъноли унвон исми бўлиб, эски венгерларда ҳам учрайди. Абулғози ўзининг «Шажараи турк» асарида улар ҳақида шундоқ қил қилади: «Ўзбекхон қар қимни хизматиға қараб ҳурмат ва тақдир этар эди. У ўзининг халқини ислом динига

киргазди ва у оркали кўп одамлар ислом динига мушарроф бўлдилар. Шу боис Жўжи халки узига ўзбек номини қабул этди ва бу ном унга охириги замонгача қолажақдир. Хаммер ҳақли равишда айтганидек; Ўзбекхон ўз халкининг махдийсигина эмас, балки кипчок тахтига зийнат берган тўрт улуг ҳукмдорининг (кейингиси учтаси - Боту, Барака, Тўхтамиш) учинчисидир.

Араб сайёҳи ибн Батутта тарафидан зикр этилган ҳамда теурийлар ҳокимияти вақтида зоҳир бўлган бу ном Ўзбекхоннинг ўз даврида ҳам ундан кейинги йилларда, яъни унинг пасллари ҳукмронлик қилган пайтларда ҳам бир муҳим вазифани бажармади. Фақат 150 йилдан сўнг, қучли Олтин Ўрда давлати тўрт қисмга бўлиниб, Русияни татар ҳокимияти остидан ҳалос этган Иван Василевичнинг қураши оқибатида юқори Волгада Жўжи авлодининг ҳукмронлиги тугатилди. Шундан сўнг биз ўзбекларнинг ҳоқими Абулхайрхоннинг Сарой ҳоқимиятига ижоат қилишдан бош тортганини, хонлик олий ҳуқуқидан фойдаланувчи шахзодалар ҳам тобелар орасида бўлганини кўраимиз. Шимолдаги христиан дунёси ислом ҳуқумати устига қилган тажовуз вақтида Абулхайрхон ўзининг қодирлари ва қучманчи халқи билан аста - аста Шарқий сахро вилоятлари ичига чекинишга мажбур бўлди. Кўк Ўрданинг сўнги хони Қичик Муҳаммаднинг (инқироқидан) у ҳийла аҳамият қасб этиб, шу даражага етдики теурийлардан Абуқайд, Муҳаммад Жўжи, Хусайин Бойқаро, юқорида баён қилинганидек, ундан ҳимоя сўрадилар. Қичик Муҳаммаднинг инқироқидан сўнг Қипчоқда Жўжи тахти бутунлай емирилиб қетди.

Ўзбеклар гарбдаги Сарой ва жанубдаги Мовароуннаҳрда, ривожланган ислом маданиятидан узокда яшар эди. Улар ўтроқ ҳаётга аввалдан кўниқиб теурийларнинг юқсак маданиятга интилишлари туфайли нозиклашиб, эски туркларча жанговарлиги сустрлашиб қолган қардошларига нисбатан Турон лашқарига ҳос қаттиқ қўлликни ўзларида кўпроқ сақлаган эдилар. Ислоқ дини булар орасида номига тарқалган эди, ўзбек халқининг ўзи қабир турмуш тарзи ҳам турк-мўғул халқининг қоришиб қетган урф одатларидан иборат эди. Аму ва Сирдарё бўйларидаги турклар тадрижан тил ва адабиёт бирлиги ва Эрон ҳаётининг нозик ҳатлари билан таниш бўлган бир пайтда ўзбеклар ҳануз қўй ва от териларига сорилган ҳолда гуяндорлик билан машғул эди. Ўзбеклар доимий ўтроқ яшай бошлаганларидан кейингина ўзларининг аввалги кўполикларини ташлаб юбордилар. Илк бор қигатой номи билан Мовароуннаҳрнинг маданиятли ўтроқ туркий халқ, ўзбек номи билан эса шимол гарбдаги маданиятсиз сахро ақолиси аталар эди. Бу муносабат кейинчалиқ бутунлай ёқи янги замонга қадар ақсинча аңглатиладиган бўлди; яъни ўзбек аввалги қигатой урнини олди қирғиз ёқи қозоқ деб маданиятсиз туркларни атай бошладилар”.

Вамберининг бу қитоби кўп фазилатларга эга. Аммо унда кўпгина жузъий нуқсонлар ҳам бор. Чунки муаллиф ўзи бошқа миллатга ва бошқа миллий мушоҳада тарзига эга бўлгани ҳолда бу асарни бақолиқудрат битган. Юқорида қелтирилганлардан икки муҳим ҳулоса қикарса бўлади:

1. Дашти Қипчокнинг Шарқий қисми ва Гарбий Сибир Ўзбекхон Олтин Ўрда тахтига ўтирмасдан бирмунча олдин ҳам “Ўзбек” улуси деб аталган. Демак, шу қатта мақонда кўчиб юрган турк шўғул қавилалари “ўзбек” деган битта умумий ном билан аталган.
2. Шу пайтгача фанда «ўзбек» халқ номи сифатида, XV аср охири XVI аср бошида Дашти Қипчоқдан кўчиб ўтган деган фикр ҳукмрон эди. «Тарихи арбаъи улус»да қелтирилган парчадан «ўзбек» халқ номи сифатида Мовароуннаҳрга XIV асрнинг биринчи яримда, балки ундан ҳам олдин қириб қелганлиги маълум бўлади. Бу маълумот шубҳасиз, ўзбек

халкининг этник тарихини ўрганишида муҳим аҳамият касб этади.

Валикул ИШКУВАТОВ